

## ХИТОЙ ТИЛИДА 把 “bǎ” ЛИ ГАПНИ ИШЛАТИЛШИ

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети

Хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси

[ziyda78@mail.ru](mailto:ziyda78@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

把 “bǎ” ли гап хитой тили грамматикасининг ўзига хос тури ҳисобланади. Хитой тилида грамматиканинг бу тури тез тез ишлатилиб, уни оғзаки ва ёзма нутқда ишлатиш ўқувчиларга биров қийинчилик туғдиради. Ўқувчига уни тўғри тушунтириш ва қўллашига шароит яратиш муаллимдан маҳорат талаб этади. Хитой тилида 把 “bǎ” ли гап минг йиллик тарихга эга бўлиб, грамматикасининг алоҳида жиҳатлари билан бошқа гаплардан ажралиб туради. Бундай гапларда 把 bǎ дан кейин келадиган тўлдирувчини ҳолатида ёки жойида ўзгариш содир бўлиши керак ва унинг структур тузилишига ҳам аҳамият бериш керак. Мақолада ушбу гапни қўллашда эътибор бериладиган жиҳатлар ҳақида айтиб ўтилган. 把 “bǎ” ли гапни амалиётда қўллаш жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** 把 “bǎ” ли гап, тўлдирувчи, модал феъл, семантика, предмет, шакл, ҳаракат.

### ABSTRACT

*The phrase bǎ is a specific type of Chinese grammar. In Chinese, this type of grammar is used frequently, making it somewhat difficult for students to apply it in oral and written speech. Explaining and creating the conditions for the student to apply it correctly requires skill from the teacher. In Chinese, the word bǎ has a thousand-year history and differs from other words in its grammatical features. In such statements, there must be a change in the position or location of the filler that comes after bǎ bǎ, and attention must also be paid to its structure. The article discusses aspects to consider when applying this phrase. It is very important to use the word "b" in practice.*

**Keywords:** 把 “bǎ” sentence, complement, modal verb, semantics, subject, form, action.

### АННОТАЦИЯ

Фраза 把 bǎ — это особый тип китайской грамматики. Этот тип грамматики часто используется в китайском языке, что затрудняет

использование учащимися его в устной и письменной речи. Создание условий для того, чтобы ученик правильно объяснил и применил его, требует мастерства от учителя. В китайском языке слово 把 bǎ имеет тысячелетнюю историю и отличается от других слов своими грамматическими особенностями. В таких высказываниях должно быть изменение положения или расположения наполнителя, следующего за 把 bǎ, а также необходимо обращать внимание на его структурную структуру. В статье рассматриваются аспекты, которые следует учитывать при применении данного словосочетания. Очень важно использовать слово 把 «bǎ» на практике.

**Ключевые слова:** предложение 把 bǎ, дополнение, модальный глагол, семантика, подлежащее, форма, действие.

## **КИРИШ**

Хитой тилида 把 “bǎ” ли гап минг йиллик тарихга эга бўлиб, грамматикасининг алоҳида жиҳатлари билан бошқа гаплардан ажралиб туради. 把 “bǎ” олд кўмакчиси иштирок этган гапни 把 “bǎ” ли гап деб аталади. Хитойликларнинг фарзандлари икки ёшдаёқ 把 “bǎ” олд кўмакчисини гапда қўллашни ўргана бошлайдилар. 把 “bǎ” ли гап хитой тилини чет тили сифатида ўқитишдаги кўринарли қийинчиликлардан биридир. Шунинг учун ўқувчиларга ўзлаштиришга ва 把 “bǎ” ли гапни тўғри ишлатишга қандай йўл кўрсатиш хитой тилини чет тили сифатида ўқитаётган ўқитувчилар учун муҳим масаладир. Айниқса ўқитувчиларга бошланғич босқичда 把 “bǎ” ли гапни тушунтириш қийинроқ кечади, ўқувчи грамматикани бу турини тушунса ҳам, ишлатиш жараёнида бир оз қийналади. Грамматиканинг бу таркибий қисми кўпгина чет эллик ўқувчиларни бош қотиришга мажбур қилади, аммо шу билан бирга хитой тилини жуда муҳим ва тез-тез қўлланиладиган грамматикасидир.

Хитой тилида тўлдирувчини икки хил жой ўзгартириш услублари бор. Биринчи позицияда келса ҳеч қандай ёрдамчи грамматик воситалар керак бўлмайди. Масалан: 把住方向盘 *Рулни маҳкам ушлаб*, 把 бу ерда феъл бўлиб “ушламоқ” маъносида келиб, ҳаракатни билдирапти. Иккинчи позицияда келса эга билан кесимни орасидаги позицияни эгаллаш, лекин бунинг учун ёрдамчи грамматик восита керак бўлади ва бу грамматик воситани 把 “bǎ” олд

кўмакчиси бажаради. <sup>1</sup> Схемаси қуйидагича бўлади: “Эга + 把 + “bǎ” + тўлдирувчи + кесим”.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Мазкур ишда биз тизим ва ҳодисаларнинг ички тузилишини ва қонунларининг рўёбга ошиш қоидаларини очиб берадиган, уларнинг ўзаро таъсирини ва боғланишларини тушунтириб берадиган назариядан фойдаландик. Тадқиқ этиш жараёнида эмпирик усуллардан, таърифлаш, тасвирловчи, таҳлил методларига ҳам мурожаат этдик.

## **НАТИЖАЛАР**

把 bǎ ли гапдаги асосан ўтимсиз феъл ишлатилиб, ўзидан кейин келадиган тўлдирувчини жойидан қўзғалтиришга, ҳолатини ўзгартиришга имконият берувчи феъл бўлади. Шунинг учун бундай гапда “有” you - бор, “是” shì - бўлмоқ, “来” lái - келмоқ, “去” qù - бормоқ каби феъллар ва рухий ҳолатни ифодаловчи “觉得” juéde - ҳис қилмоқ, ўйламоқ, “想” xiǎng - ўйламоқ, ҳоҳламоқ, “喜欢” xǐhuan - яхши кўрмоқ каби феъллар 把 bǎ ли гапда асосий феъл бўлиб кела олмайди<sup>2</sup>. Шундай деб бўлмайди: 我把词典有了<sup>3</sup>. Менда лугат бор бўлди. 她把京剧喜欢了。 У Пекин операсини яхши кўради. 我妈妈把北京来了。 Менинг онам Пекинга келди. 我把爸爸妈妈想了。 Мен отамни, онамни соғиндим.

Бундай гапларда 把 bǎ дан кейин келадиган тўлдирувчини ҳолатида ёки жойида ўзгариш содир бўлиши керак. Қуйида келтирадиган мисолларимизда феълнинг ҳаракати натижасида 把 bǎ дан келадиган тўлдирувчининг ҳолатида, жойида ўзгариш содир бўлади.

1) 我把那张桌子搬到楼上去。 Wo ba na zhang zhuozi ban dao lou shang qu le. Мен ана у столни бинонинг юқорисига ташиб чиқдим.

2) 我把那些饺子都吃进肚子里去了。 Wo ba na xie jiaozi dou chi jing duzi li qu le. Мен ана у чучваларнинг ҳаммасини еб қорнимнинг ичига жойладим.

3) 我已经把今天的作业都做完了。 Wo yijing ba jintian de zuoye dou zuo wan le. Мен аллақачон бугунги вазифани бажариб бўлганман.

<sup>1</sup> Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. [Лексик семантик, структурал ва функционал таҳлили] 汉语量词. Hanyu liangci [Chinese quantifiers], Тошкент, 2003. 101-6

<sup>2</sup>姜丽萍。图解。基础汉语语法。高等教育出版社。北京 2015年41-бет.

<sup>3</sup>杨宝玲。国际汉语语法教学。高等教育出版社。2012年260-бет.

4)我把课文读熟了。Wo ba kewen du shu le. *Мен матнини яхшилаб ўқиб бўлдим.*

### **МУҲОКАМА**

把 bǎ ли гапни ўрганишда энг қисқартирилган ва ўқувчилар осон қабул қила оладиган иккита шакллар кўриб чиқамиз:

主语+把+宾语+动词+其他成分（宾语/补语等）“Эга + 把+ тўлдирувчи + феъл + бошқа бўлақлар (тўлдирувчи / кесим кенгайтирувчиси...)” Бу шаклдаги тўлдирувчи 把 ba га алоқадор предмет ҳисобланади, яъни феълнинг тўлдирувчиси эмас, балки 把 ba нинг тўлдирувчисидир, шу билан бирга бу тўлдирувчи аниқ ва муносабатнинг иккала томонига ҳам маълум бўлиши керак. Феълдан кейин келадиган бўлақлар эса, тўлдирувчини, ёрдамчи бўлақларни, такрорланувчи феълни, “了“ le, ”着“ zhe каби феъл кўмакчиларларни ўз ичига қамраб олади<sup>4</sup>. Масалан:

5) 刮风了, 你把窗户关上吧。Gua feng le, ni ba chuanguhu guan shang ba. *Шамол бўляпти, сен деразани ёпиб қўй.* Бу ерда “窗户” chuanguhu-дераза мен ва сенга умумий маълум, “关” guan-ёпмоқ феълнинг орқасидан “上” shang ёрдамчи бўлақ келган.

6) 我把那本小说看完了。Wo ba na ben xiaoshuo kan wan le. *Мен ана у романни кўриб бўлдим.* Одатда “一本小说” yi ben xiaoshuo-битта китоб дейилмайди, 看 kan-кўрмоқ феълнинг орқасидан “完” wan ёрдамчи бўлақ келади.

7) 我们把房间打扫打扫吧。Women ba fangjian dasao dasao ba. *Бизлар хонани сутуриб чиқайлик..* Бу ерда “房间” fangjian-хона аниқ, феълда такрорланувчи шакл ишлатилган.

8) 我把那个盒子给他了。Wo ba na ge hezi gei ta le. *Мен ана у қутини унга бердим.* 给 gei-бермоқ феълдан кейин 他 ta тўлдирувчиси келган.

9) 我把行李托运了。Wo ba xingli tuo yun le. *Мен юкни ташишга топширдим.* Бу ерда 托运 tuo yun-юк ташишдан кейин “了“ le феълли юкламаси келган.

Яна бир шаклни келтирамиз 主语 + 想 / 要 / 能 / 已 / 没 + 把 + 宾语 + 动词 + 其他成分 “Эга + 想 / 要 / 能 / 已 / 没 + 把 + тўлдирувчи + феъл + бошқа

<sup>4</sup>Ван Ляо-И. Основы китайской грамматики. Издательство иностранной литературы. Москва. 1954年. 122-бет

бўлақлар”. Иккинчи шаклдаги 想 / 要 / 能 / 已 / 没 сўзлари хитой тилида равиш ва модал феъл сўз туркумига тегишли бўлиб, гапда уларни 把 bǎ олд кўмакчисидан олдин қўйиш керак. “想” xiǎng - ҳоҳламоқ, “要” yào - керак, “能” néng - қила олмақ, “会” huì - қила олмақ, “可以” kěyǐ – мумкин сўзлари хитой тилида модал феълларга киради, “已” yǐ “已经” yǐjīng - аллақачон, “没” méi “没有” méiyǒu – йўқ каби сўзлар хитой тилида равиш сўз туркумига тегишлидир. Масалан:

10) 你能把这些馒头吃光吗? Nǐ nǐng bǎ zhè xiē mǎntóu chī guāng ma? Сен бу бир қанча мантиларни еб тугата оласанми.

11) 你要/应该把口袋里的东西掏出来。Nǐ yào/yīnggāi bǎ kǒudài lǐ de dōngxi tāo chū lái. Сен чўнтагиндаги нарсаларнинг ҳаммасини чиқариб ташлашинг керак. Бу гапда 要 / 应该 керак модал феъллари иштирок этган.

12) 我已经把借他的书还回去了。Wǒ yǐjīng bǎ jiè tā de shū huán huì qu le. Мен аллақачон ундан олган китобни алмаштириб олиб кетдим. Бу гапда иш содир бўлганни ифодаловчи равиш иштирок этган.

13) 你没有把昨天的练习做完<sup>5</sup>。Wǒ méi yǒu bǎ zuótiān de liànxì zuò wán. Мен кечаги машқни бажариб бўлмадим. Бу ерда инкор равиши феълдан кейин эмас, балки 把 bǎ дан олдин қўйилади.

把 bǎ “bǎ” ли гапда эга тўлдирувчи устидан ҳаракат содир этади.

14) 我把那个盒子给空姐了。Wǒ bǎ nà ge hézi gěi kōngjiě le. Мен ана у қутини стюардессага бердим. Бу ерда 盒子 hézi - қутини мен стюардессага бердим, яъни мен қути билан ҳаракат содир этдим, ва бунинг натижасида қути жойлашган ўрнида ўзгариш содир бўлди.

15) 你把空调开开吧。Nǐ bǎ kōngtiào kāi kāi ba. Сен кондиционерни ёқиб юбор. 空调 kōngtiào - кондиционерни сен ёқиб юбор, бу ерда гапнинг эгаси шу кондиционер устидан ҳаракат амалга оширади.

## **ХУЛОСА**

- 把 bǎ ли гапдаги асосан ўтимсиз феъл ишлатилиб, ўзидан кейин келадиган тўлдирувчини жойидан кўзгалтиришга, ҳолатини ўзгартиришга имконият берувчи феъл бўлади.

- Бундай гапларда гапнинг асосий феълининг ҳолатида ёки жойида ўзгариш содир бўлиши керак.

<sup>5</sup>杨宝玲。国际汉语语法教学。高等教育出版社。北京 2012年260-бет.

- 把 bǎ дан кейин келадиган тўлдирувчи, муносабатнинг иккала томонига аниқ ва маълум бўлиши керак.

- 把 bǎ ли гапда модал феъл ва инкор равиши феълдан кейин эмас, балки 把 bǎ дан олдин қўйилади.

- 把 ba “bǎ” ли гапда эга феъл-кесим устидан ҳаракат содир этади.

Ўқувчиларга 把 ba ли гапни ўргангандан кейин қандай қилиб онгли равишда қўллашни билиш масаласи муҳокама қилишга арзигулик масаладир. Биз хали уни ўқув амалиёти жараёнида ўрганишни давом эттиришимиз керак.

### **REFERENCES**

1. Каримов А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. 汉语量词 - Фан ва технологиялар босмаҳонаси. Тошкент 2003й - бет 102.
2. 王力. 中国年现代语法. 北京. 1985 年.
3. Ван Ляо-И. Основы китайской грамматики. Издательство иностранной литературы. Москва. 1954 年.
4. 杨宝玲. 国际汉语语法教学. 北京 2012 年
5. 姜丽萍. 图解. 基础汉语语法. 高等教育出版社. 北京 2015 年.
6. Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. Москва 2003.